

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Чорвачиликни ривожлантириш учун 150 млн доллар жалб этилади

Президентнинг 16.09.2017 йилдаги ПҚ-3283-сон қарори билан «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш тартиби белгиланди.

Маълумот учун: лойиҳани амалга ошириш учун Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг 30 млн АҚШ доллари миқдоридаги заёми ҳамда Халқаро тараққиёт ассоциациясининг 120 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредити 25 йиллик қоплаш муддати, жумладан 5 йил имтиёзли давр билан ажратилди.

Ўзбекистоннинг лойиҳага ҳиссаси 77.82 млн АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлиб, уларнинг 39.74 млн АҚШ доллари эквивалентига – солиқ ва божхона имтиёзларини тақдим этиш, инвестиция

даврида молиявий харажатларни қоплаш ва бошқа сарфларни молиялаштириш тарзида;

➤ 38,08 млн АҚШ доллари эквивалентига – лойиҳа иштирокчиларининг ҳиссаси (бенефициарлар).

Лойиҳа 2017–2022 йиллар даврида амалга оширилади.

Лойиҳа Қорақалпоғистон ва Ўзбекистоннинг барча вилоятларини қамраб олади. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги унинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши учун жавобгар орган ҳисобланади. Идорага, шунингдек, лойиҳани мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш ва уни амалга ошириш даврида ҳисоботларни юритиш вазифаси юкланди.

Лойиҳада иштирок этаётган мамлакатимиз банкларига кредит линиясини бошқариш, заём ва кредитларни ўз вақтида ўзлаштириш ва мақсадли фойдаланиш ҳамда сублоийҳаларнинг амалга оширилишининг мониторинги ва ҳисоботи топширилди.



Лойиҳа доирасида:

➤ заём ва кредит воситалари ҳисобига сотиб олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ва транспорт – божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари), ҚҚС, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар ва йиғимлардан;

➤ норезидент-ҳисмоний шахсларнинг даромадлари – ЖШДСдан озод этилади.

Қўрсатилган имтиёзлар фермер ҳўжаликлари ва қишлоқ ҳўжалиги ташилотлари томонидан лойиҳа доирасида қайта молиялаштириладиган маблағлар ҳисобига харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га ҳам татбиқ этилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинди ва 25.09.2017 йилда кучга кирди.

2-бетда

САВДО ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Давлат ва корпоратив харидлари: амалга оширишнинг янги регламенти

Президентнинг «Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга оширишнинг замонавий шакл ва услубларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (23.08.2017 йилдаги ПҚ-3237-сон) қабул қилиниши билан шу пайтга қадар амалга ошириб келинган тартибга жиддий ўзгартириш киритилди. Маълумки, жорий ўзгартиришлар вақтинчалик тусга эга – 2018 йил 1 январгача амал қилади. Бироқ янги қонун ҳужжати қабул қилингунига қадар давлат улуши 50%дан ортиқ бўлган давлат корхоналари ва ҳўжалик жамиятлари янги қоидаларга кўра харид қилишлари зарур.

Давлат харидларини амалга оширишдаги ўзгартиришларнинг солиштирма таҳлили ҳамда савол-жавоблардаги юрист шарҳини ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола этамиз.

Илгари қандай эди	Ҳозир (1.01.2018 йилгача) қандай
Нархи, сифати ва товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш муддатлари бўйича энг мақбул келадиган шартларни таклиф қилган етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали харидлар амалга оширилади, агар:	
харид объектининг умумий қиймати 1 шартнома бўйича эквивалентда 300 АҚШ долларидадан ошмайдиган ва харид объекти ЎзРТХБ ахборот портали орқали электрон савдолар воситасида харид қилинадиган энг зарур товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатида назарда тутилмаган бўлса ¹	харид объектининг умумий қиймати 1 шартнома бўйича эквивалентда 1 000 АҚШ долларидадан кам бўлса

❓ Давлат ёки корпоратив харидларини тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга оширишда харид объекти аҳамиятга эгами?

– Йўқ, айти пайтда етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун харид объектининг энг зарур товарлар (ишлар, хизматлар)га тааллуқлилиги аҳамиятга эга эмас.

Шу билан бирга, харид қилувчи ташилотларнинг раҳбарлари объектни харид қилишнинг (усулидан қатъи назар) мақсадга

7-бетда

¹Президентнинг «Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида»ги қарори (5.04.2013 йилдаги ПҚ-1948-сон) 1-банди.

Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

8-БЕТ

Мажбурий ижро бюроси
фаолиятининг дастлабки натижалари

Тармоқдан узиб қўймасликлари
учун нима қилмоқ керак?

Меҳнат таътилига қайси даврдан
бошлаб ҳақлиман?

Пойтахт ва йирик шаҳарларда онлайн НКМ мажбурий бўлади

Президентнинг «Фискал хотирали назорат-қас-са машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (29.09.2017 йилдаги ПҚ-3300-сон) қабул қилинди.

Солиқ органларига онлайн маълумотлар узатиш функциясига эга НКМнинг замонавий моделлари 2018 йилда босқичма-босқич жорий этилади:

➤ 1 январдан 30 мартга қадар – Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоятлар марказларида амалга оширилган нақд ҳисоб-китоблар юклагасини аниқлаш учун тажриба режимида 500 дан 1 000 тагача онлайн НКМдан фойдаланилади;

Халқаро сертификатга эга аудиторлар «сертификатни узайтириш» учун имтиҳон топширмайди

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 15.09.2017 йилда 977-7-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Тузатишлар 19.12.2017 йилдан кучга киради.

Бугунги кунда малака сертификатига эга бўлган ҳар бир аудитор даврий равишда тасдиқланган дастурлар бўйича 60 соатдан кам бўлмаган ҳажмда малака ошириш курсларидан ўтиши шарт.

Жорий этилаётган тартиб курслардан бирини – аудиторлар малакасини ошириш ёки малакали бухгалтерларни халқаро ёки миллий сертификатлаш доирасида малака оширишни танлаш имконини беради. Бу қўйиладиган эга бўлган аудиторларга татбиқ этилади:

➤ 1 июлдан – Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоятлар марказларида барча юридик шахслар товарларни сотишда (ишларни бажаришда ва хизматлар кўрсатишда) онлайн НКМдан фойдаланган ҳолда аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга оширишлари шарт;

➤ 1 декабрдан – бутун мамлакат бўйича барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда мажбурий тартибда онлайн НКМ қўлланилади.

Уз фаолиятининг хусусиятига кўра, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган, телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олинмаган аҳоли пунктларида фаолият

кўрсатадиган, НКМни қўлламасдан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг айрим тоифаларига бу талаблар татбиқ этилмайди. Қолган субъектлар учун кўрсатилган муддатлар ўтгандан сўнг онлайн НКМни қўлламасдан товарларни сотиш (ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш) жавобгарликка сабаб бўлади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг онлайн НКМни рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан чиқариш 1.05.2018 йилдан эътиборан солиқ органлари томонидан шаҳарлар ва туманларда фаолиятни амалга ошириш жойи бўйича йўлга қўйилади. Бу хизматлардан Интернет орқали масофали режимида ҳам фойдаланиш мумкин.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинди ва 30.09.2017 йилда кучга кирди.

Шунингдек аудитор малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар сирасига халқаро молиявий ҳисобот бўйича АССА дипломи ҳам киради (ДипИФР). Уни малака имтиҳонини топшириш учун бериладиган аризага илова қилиш мумкин. Умумий ҳужжатлар пакетига паспорт нусхаси ҳам қўйилади.

СРА, АССА ёки СРА бухгалтер халқаро сертификатларига эга бўлган аудиторларга аудитор малака сертификатининг амал қилиш муддати малака имтиҳонисиз узайтириб берилади. Бунинг учун Молия вазирлигига белгиланган муддатларда барча ҳужжатлар билан уни узайтириш ҳақидаги аризани топшириш керак бўлади.

Буйруқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 18.09.2017 йилдаги 37 (797)-сонидан расман эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Олег Заманов, экспертими.

НОРМАТИВ ЛОЙИХА

Кафолатсиз электротехника билан савдо қилганлик учун жазолашади

ҚЎТБТ порталида Вазирлар Маҳкамасининг «Узоқ муддат фойдаланиладиган маиший электротехника товарларига техник хизмат кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси жойлаштирилди.

1.04.2018 йилдан бошлаб ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар, улгуржи ва чакана сотувчилар томонидан узоқ муддат фойдаланиладиган маиший электротехникани техник хизмат кўрсатиш учун кафолат талонини мажбурий расмийлаштириш билан сотилишини ўрнатиш тақлиф қилинмоқда. Талон қуйидагиларни ўз ичига олади:

- маҳсулот номи ва модели;
- ишлаб чиқарувчининг номи ва унинг юридик манзили;
- узоқ муддат фойдаланиладиган товарнинг серия рақами;
- кафолат шартлари ва муддати;
- талондан фойдаланиш тартиби.

Изоҳ: Маиший электротехника товарларининг лойиҳа рўйхати ТИФ ТН кодлари кўрсатилган ҳолда 20 та позицияни ўз ичига олади. Улар орасида ошона техникаси, аудио- ва видеоаппаратура, мобиль ва ўтказиладиган телефонлар, иситиш ускунаси ва ҳоказолар бор.

Кафолатли техник хизмат кўрсатиш ишлаб чиқарувчиларнинг ўзи ёки «Ўзстандарт» агентлигининг аттестациядан ўтган ва махсус рўйхатга киритилган марказлари томонидан амалга оширилади. Агар товарга кафолатли хизмат кўрсатиш аттестациядан ўтган марказ томонидан амалга оширилса, ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар ва сотувчилар у билан тегишли хизматларни кўрсатиш бўйича шартнома тузатиш ҳамда марказларни эҳтиёт қисмларнинг кафолатли фонди билан таъминлайди. Бундай шартномани тузиш мажбурий бўлади.

ХАРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 3 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғлана ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	6307,58	1 Польша злотийси	2205,54
1 Англия фунт	10778,90	1 СДР	11379,43
1 стерлинг	10778,90	1 Туркия лираси	2259,32
1 БАА дирҳами	2194,73	1 Швейцария франки	8310,10
1 АҚШ доллари	8060,88	1 ЕВРО	9494,01
1 Миср фунти	457,74	10 Жанубий Корея вон	7,04
1 Канада доллари	6456,90	10 Япония иенаси	71,47
1 Хитой юани	1211,55	1 Россия рубли	139,91
1 Малайзия ринггити	1906,08	1 Украина гривна	303,04

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълум валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасан.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	2.10.2017	1	1,7002	1	2,0023	1	0,0295
Арманистон	29.09.2017	1	478,41	1	564,67	1	8,27
Беларусь	2.10.2017	1	1,9623	1	2,3141	100	3,3854
Грузия	2.10.2017	1	2,4767	1	2,9252	100	4,2843
Қозғоғистон	2.10.2017	1	341,19	1	402,64	1	5,9
Қирғизистон	3.10.2017	1	68,5327	1	80,4951	1	1,1854
Молдова	2.10.2017	1	17,6116	1	20,8037	1	0,3048
Россия	30.09.2017	1	58,0169	1	68,4483	—	—
Тожикистон	2.10.2017	1	8,8001	1	10,3956	1	0,1497
Туркменистон	2.10.2017	1	3,5000	1	4,1342	100	6,0862
Украина	2.10.2017	100	2 657,8496	100	3 137,8572	10	4,5812

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Хужжатларни тақдим этимиз
- Валюталар курси

1-2-бетлар

• НОРМАТИВ ЛОЙИХА

- Кафолатсиз электротехника билан савдо қилганлик учун жазолашади 2-бет
- САВДО ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

- Давлат ва корпоратив харидлари: амалга оширишнинг янги регламенти

1, 7-бетлар

• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

- Қарздорликни қисқартириш чоралари самара бермоқда
- Истеъмолчилар учун йўриқнома
- Жазо қатори рағбатлантириш ҳам бўлсин

- Текширувдан ўтказмадингизми — газни узиб қўйдилар 3-6-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

- Таътилни кузда олмоқчиман...
- Синовдан ўтолмади. Компенсация олиб кетди 8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақидаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бериш, электрон ва бошқа манбаларда қўйиштириш, тарқатишга фақат «НОРМА» газеталари бirlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



МУНДАРИЖА:

- ✓ Қарздорликни қисқартириш чоралари самара бермоқда
- ✓ Истеъмолчилар учун йўриқнома
- ✓ Жазо қатори рағбатлантириш ҳам бўлсин
- ✓ Текширувдан ўтказмадингизми – газни узиб қўядилар



Долзарб мавзу

Қарздорликни қисқартириш чоралари самара бермоқда

Мажбурий ижро бюроси фаолиятини бошлаганидан буён ўтган 3 ой ичида истеъмол қилинган табиий газ ва электр энергияси (бундан кейин – энергия ресурслари) учун қарздорлик 154,3 млрд сўмга қисқарди. Бу энергия ресурсларини етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш натижаси бўлди. Бош прокуратура ҳузуридаги Бюро Президентнинг 29.05.2017 йилдаги ПФ-5059-сон Фармони билан ташкил этилганини эслатиб ўтамыз. У илгари Адлия вазирлиги ҳузурида фаолият юритган, тугатилган Суд департаментининг ҳуқуқий вориси бўлди. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш, ижро ҳужжатлари ҳамда ундирилган маблағларнинг ҳаққоний ҳисобини юритишдан ташқари, унга ижро иши юритиш институтига хос бўлмаган алоҳида ваколатлар ҳам топширилди. Улар орасида – энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш, электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш ва ҳ.к. вазифалар бор. Бюро ходимлари энергия ресурсларини сотиш ва истеъмоли ҳисобини юритишнинг деярли барча босқичларида иштирок этадилар.

*Тахририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.



Мавзувий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Янги тузилма ташкил этишни нималар тақозо этди? Бюро ташкил этилган пайтда истеъмол қилинган табиий газ ва электр энергияси учун **дебитор қарздорлик 7,8 трлн сўмдан ошганини** айтишнинг ўзи кифоя. Бунинг ортида электр энергетика ва газ тармоқларини самарали ривожлантиришга имкон бермаётган жиддий муаммолар турган эди. Таъминотчи корхоналар истеъмолчиларнинг шартнома мажбуриятларига риоя этиши юзасидан етарли чоралар кўрмаган, уларнинг кўплари истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўловларни амалга оширмаган. Энергия ресурслари истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш муддатлари кечиктириб юборилган, усиз ҳисоб юритишнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишнинг имкони бўлмайди. Салмоқли қарздорлик сабабли эскирган электр узатиш тармоқлари, трансформатор подстанциялари ва пунктлари, газ қувурлари ҳамда тегишли инфратузилмани янгилаш суръатлари суст бўлган. Бу эса технологик йўқотишларнинг кўпайишига ва энергия ресурсларининг, айниқса, жойларда, сурункали узилтишлар билан етказиб берилишига олиб келган. Электрон тўлов тизимларини ривожлантиришнинг паст даражада эканлиги қарздорлик ҳолатини онлайн тарзда кузатиб бориш имконини бермаган. «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АҚ назоратчилари ишнинг ташкил этилиши устидан идоравий назорат лозим даражада ўрнатилмаганлиги дебитор қарздорлиқнинг ҳаддан зиёд ўсишига олиб келган. Таъминотчиларнинг энергия ресурслари учун ҳақ ундириш борасидаги ишларини қониқарли деб бўлмасди. Улар кўп ҳолларда аслида мавжуд бўлмаган қарздорлиқни ундириш ҳақида судларга аризаларни киритганлар. Оқибатда 2016 йил ва 2017 йилнинг I чораги давомида содир этган ҳуқуқбузарликлари учун «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АҚнинг 665 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилган.

Муаммолар уларни бартараф этиш, дебитор қарздорлиқни қисқартириш бўйича кескин чора-тадбирлар қабул қилишни талаб этарди. Энергия ресурсларини етказиб бериш ва истеъмол қилиш соҳасидаги шартномавий мажбуриятларга сўзсиз риоя этиш, суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш механизмлари ишлаб чиқилди. Электр ва газ таъминоти ташкилотлари вазибаларининг бир қисми Бюрога топширилди.

Бу йиллар давомида тўпланиб қолган, тармоқларнинг самарали ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни кескин ҳал этиш зарурати тақозо этган мисли кўрилмаган қадам бўлди. Мамлакатимизда янги тузилмага ўхшаш тузилмалар бўлмаган. Бюрога истеъмол қилинган энергия ресурслари учун қарздорлиқни ундириш чора-тадбирларини таъминлаш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, энергия таъминоти соҳасидаги жавобгарликни ошириш борасида кенг ҳуқуқлар берилди.

Эҳтимол, бу чоралар кимгадир ўта кескин кўринар. Бироқ Бюро зиммасига юклатилган вазибаларни бажаришга бу қадар қатъий ва қаттиққўл ёндашув мавжуд вазиятда ўринли бўлиб, амалдаги қонунийлик доирасида амалга оширилади. Янги тузилма зиммасига юклатилган чора-тадбирлар комплексида – энергия ресурсларини етказиб бериш, истеъмол қилиш ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш соҳасидаги



ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига сўзсиз риоя этиш ҳам ўрин олган. Бошқача айтганда, истеъмолчи коммунал маҳсулот олдим, унинг ҳақини белгиланган муддатда тўлаши шарт, акс ҳолда қонун олдида жавоб беради.

Бюронинг дастлабки қадамлари вазият яхши томонга ўзгаришига умид уйғотмоқда. Нафақат макродаражадаги салмоқли дебитор қарздорлиқни қисқартириш борасида, балки оддий истеъмолчилар даражасида ҳам. Зеро уларнинг газ ва электр энергияси таъминотчилари билан муносабатлари яхши йўлга қўйилмаган, ҳисоб-китоб қилиш чоғида инсофли тўловчиларда кўпинча муаммолар юзага келар эди. Масалан, истеъмол қилинган ресурслар учун ўз вақтида ҳақ тўланса ҳам, катта қарз ҳисобланиши мумкин бўлиб, таъминотчилар уни асослаб беришдан бош тортар эдилар. Ёки маълумотлар базасида ҳақиқатга тўғри келмайдиган яшовчилар сони ошириб кўрсатилар эди ва ҳ.к. Бунда ниманидир исботлаш (ҳатто суд тартибда ҳам) жуда мушкул бўлиб, кўп ҳолларда истеъмолчилар муаммога қарши ёлғиз ўзлари курашардилар.

Эндиликда уларнинг кўпчилиги ўзларини яхшироқ ҳимоялангандек ҳис қилаётган бўлсалар ажаб эмас, сабаби Бюро мутахассислари таъминотчилар тақдим этадиган қарздорлик бўйича маълумотларни солиштириб, ёлғондакам маълумотлар, асоссиз ҳисобланмаларни фожъа этмоқдалар. Ушбу далиллар ошкор этилаётгани, улар ҳақида рўй-рост гапирилаётгани ўта муҳим. Асосийси – қонунийликка риоя этиш эканлиги, уни бузганлик учун ҳамма – оддий истеъмолчилардан тортиб идораларнинг раҳбарларигача жавоб беришларига тўғри келиши фуқаролар эътиборига етказилмоқда.

Ўқувчиларимизнинг янги тузилма фаолияти юзасидан берган саволларига Бюронинг электр таъминоти соҳасидаги қарздорлиқни ундиришни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Юнус Муталиев жавоб берди.

Қатъий, бироқ зарур чоралар

– **Юнус Маматкаримович, Бюро истеъмол қилинган энергия ресурслари учун қарздорлиқни мажбурий ундириш бўйича қандай чораларни қўлламоқда?**

– Бюро энергия ресурслари етказиб берилиши ва истеъмолини ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ҳамда ҳаққонийлиги, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи

Республика кенгаши билан келишмаган ҳолда текширишлар ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди.

Аввалига жисмоний ва юридик шахсларга қарздорликни бартараф этиш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган талабномалар юборилади. Улар 5 кун ичида бажарилмаган ҳолда истеъмолчилар электр ҳамда газ тармоқларидан узиб қўйилади. Қарздорлик сўндирилгандан кейин қайта улашда жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг (ЭКИХ) 2 баравари миқдорига, юридик шахслардан ЭКИХнинг 10 баравари миқдорига тўлов ундирилади. Электр таъминоти корхоналарига айрим истеъмолчиларни 6–10 кВ ва ундан юқори кучлинишли тармоқлардан узиш ҳақида кўрсатмалар жўнатилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, Бюро қарздорликни ундиришнинг бошқа чораларини қўллашга ҳам ҳақли. Улар орасида – вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига энергия ресурсларини етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, қарздор истеъмолчиларга нисбатан жамоат таъсир чораларини қўриш ҳақида тақдимномалар киритиш чораси ҳам бор.

Бюро етказиб берилган энергия ресурслари учун қарздорликни истеъмолчилар – юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банк ҳисобрақамларидан сўзсиз ундириш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган инкассо топириқ-номалари қўйиш; энергия ресурслари учун ЭКИХнинг 2 бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қарздорликни ходим (истеъмолчи)ларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳақида иш берувчиларга бажарилиши мажбурий бўлган талабномалар юбориш ҳуқуқини олди.

– Айни пайтда Бюро энергия ресурслари таъминотчилари маълумотлар базасидан фойдаланмоқда, бироқ Уй-жой коммунал, электр ва газ таъминоти хизматлари кўрсатишнинг ягона биллинг тизими шакллантирилмоқда. Қарздорликни ундириш масалалари бўйича идоралараро электрон ҳамкорликнинг ягона тизimini ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда, у идораларнинг истеъмолчилар қарздорлиги ҳақидаги маълумотлар базалари билан интеграция қилинади. Идоралараро ишчи гуруҳлар истеъмолчилар, уларнинг реал қарздорлиги ёки унинг йўқлиги, бошқа тавсифлар ҳақида ҳаққоний ахборот олиш учун барча турар ва нотурар жой фондини инвентаризация қилмоқда. Бюро энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисоблаш тизimini ҳамда ускуналарнинг созлик ҳолатини мониторинг қилишга ҳақли.

Марказий банк билан биргаликда пул маблағларининг 1 кун ичида тегишли банк филиали корреспондент счётига тушишини таъминлаш механизмлари ишлаб чиқилди. Банкларнинг маълумотлари таъминотчиларнинг маълумотлари билан солиштирилади. «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АК томонидан ҳар ойда тақдим этиладиган энергия ресурслари истеъмоли ва етказиб бериш ҳажмлари ўртасида фарқ мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинади. Таҳлил асосида электр ва газ таъминоти корхоналари билан биргаликда тафовитлар юзага келиши сабабларини аниқлаш чоралари қўрилади, уларни бартараф этишга доир тақлифлар киритилади. Йидорлар жавобгарликка тортилади. Мувоозанатнинг бузилишига энергия ресурслари ўғрилиши, шунингдек табиий ҳолатлар – электр узатиш линиялари, газ тақсимлаш тармоқларидаги техник йўқотишлар сабабчи бўлиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликка қўл урдингизми? Жавоб берасиз

– Бюро ходимлари энергия ресурслари истеъмоли соҳасидаги қандай ҳуқуқбузарликларни фош этидилар ва улар юзасидан қандай чоралар кўрадилар?

– Истеъмол қилинган энергия ресурслари ҳақини ўз вақтида тўламаслик, носоз ҳисобга олиш ускуналаридан фойдаланиш, электр ва газ тармоқларига ноқонуний уланishi, газ ва электр энергиясини ўғирлаш ҳоллари кўп учрайди.

Энергия ресурслари таъминотчиларининг Бюро ходимлари аниқлаган қонунбузарликка йўл қўйиш ҳолларига бир нечта мисол келтириш мумкин. Булар – мансабидан фойдаланиш, маблағларни ўғирлаш, фибрибгарлик, лавозимни суиистеъмол қилиш ҳолларидир. Чунончи, «Амударётумангаз» мансабдор шахслари 2008 йилдан 2017 йилнинг июлигача «Газ Биллинг» дастурига 1 036 та оиланинг 379,4 млн сўмлик қарзи борлиги ҳақида ёлгон маълумотларни ноқонуний равишда киритганлар. Маълумотларни бузиб кўрсатиш, сохта қарзни шакллантириш инсофсиз таъминотчиларга қўл келган. Яна бир шунга ўхшаш мисол, «Шофирконгаз» ходимлари ҳам «Газ Биллинг» дастурига аҳолининг умумий суммаси 1,9 млрд сўмлик қарзи ҳақида нотўғри маълумотларни киритганлар. Қўштепа ЭТТ мансабдор шахслари «Электр ҳисоби» дастурий комплекси



Бундан ташқари, агар истеъмолчи қарздорликни сўндириш ва тармоқдан узиб қўйиш тўғрисидаги хабарномага муносабат бигдирмаса, Бюро қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат этишга ҳақли.

– Таъминотчиларнинг маълумотлар базаси ҳаққоний ҳисоб юритилганини кафолатламас эди. Қандай қилиб асоссиз қарздорлик аниқланади, солиштириш амалга оширилади, реал ҳисоб, етказиб берилган ва истеъмол қилинган энергия ресурслари ҳажмлари ўртасидаги фарқ назоратга олинади? Мувоозанатнинг бузилиши сабаблари нимада?

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

маълумотлар базасига аҳолининг 5,6 млрд сўмлик, фермер хўжаликларининг 232,6 млн сўмлик мавжуд бўлмаган қарзларини киритиб, абонентларнинг 244,9 млн сўмлик қарзи ҳақидаги маълумотларни асоссиз равишда ўчириб ташлаганлар.

Электр ва газ тармоқларига ноқонуний улашиш ҳоллари аниқланмоқда. Масалан, Н.Акромов Тошкентнинг Олмазор туманида яширин цех ташкил этиб, уни энергия таъминоти тармоқларига ноқонуний равишда улаб олган. Унинг қилиши оқибатида етказилган зарар 205,9 млн сўмни ташкил этди. Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидан У.Қаҳҳоровнинг тармоққа ноқонуний улашишдан зарар 165,9 млн сўмни ташкил этди. Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги «Sirmetal» МЧЖ ходимлари ҳудди шу тариқа 101,8 млн сўм миқдоридан зарар етказди.

2017 йил 8 сентябрь ҳолатига кўра Бюро бўлиналари томонидан қарздорликни ундириш ва етказилган зарарни қоплаш мақсадида истеъмолчиларга қарздорликни бартараф этиш ҳақида 5,2 млн талабнома жўнатилди; қарздорларнинг иш ҳақидан қарздорликни ушлаб қолиш ҳақида иш берувчиларга 184 718 та талабнома юборилди; 42 500 нафар қарздор юридик шахсларнинг ҳисобрақамларига инкассо топшириқномалари қўйилди; судларга 12 292 та даъво аризаси йўлланди; жамоат таъсир чораларини кўриш ҳақида 1 843 та тақдимнома киритилди. Ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаганлиги ва ноқонуний улашиб олганлиги учун 98 153 та истеъмолчи электр ва газ тармоқларидан узиб қўйилди.

Бундан ташқари, аниқланган ҳуқуқбузарликлар натижалари бўйича Бюро органлари энергия ресурслари ўғирланиши далиллари юзасидан 138 та жиноят иши, 4 900 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида иш кўзгатди.

Истеъмол қилинган энергия ресурслари учун юридик ва жисмоний шахсларнинг дебитор қарздорлиги қанча?

— Бюро ташкил этилган пайтда жисмоний шахсларнинг қарздорлиги 4 трлн сўмдан ортқ, юридик шахсларники — 3,8 трлн сўмни ташкил этар эди.

Илгари таъминотчилар ҳаққоний ҳисоб юритмагани, нопўғри ҳисобланмалар ёзгани ва қарздорликни маълумотлар базасидан ҳисобдан чиқаргани ва бошқа сабаблари ҳисобга оладиган бўлсак, ҳали бу рақамларга ўзгартириш киритилса керак.

Таъминотчилар нима қилади?

— **Энергия ресурслари таъминотчилари вазибаларининг бир қисми Бюро ходимларига юкланди. Газ ва электр таъминоти корхоналари зиммасида қандай вазибалар қолди?**

— «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АҚ тузилган шартномаларга мувофиқ, истеъмолчиларни энергия ресурслари билан таъминлаш; сотилган энергия ресурслари ҳажми ҳақидаги ахборотлар, дебитор ва кредитор қарздорлик ҳақидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгардир. Шунингдек электр истеъмолчиларга бўлиниш чегарасигача тармоқлар эксплуатацияси ва таъмирлаш хизматларини амалга ошириш учун жавоб берадилар. Энергия ресурслари истеъмолини

ҳисобга олиш ускуналарини алмаштириш, ўрнатиш ва эксплуатация хизмати кўрсатиш, шунингдек, Бюро ходимлари билан ҳамкорликда уларни пломбалаш уларнинг ваколатига қиради. Таъминотчилар техник шартларни берадилар, электр ва газ тармоқларига янги истеъмолчиларни улаш ишларини амалга оширадилар. Бюронинг мажбурий талабномасига асосан, электр энергияси айрим истеъмолчиларини 6–10 кВ ва ундан юқори кучланишли тармоқлардан белгиланган тартибда узадилар.

— Баъзан таъминотчилар истеъмолчиларга 5–8 йиллик қарзларни ҳисоблаганлар. Шу тўғрими? Истеъмол қилинган энергия ресурслари учун қарздорликни кўпи билан қанча давр учун ҳисоблаш мумкин?

— Фуқаролик кодексининг 150-моддасига мувофиқ, умумий даъво муддати 3 йилни ташкил этади. Таъминотчи исталган давр учун, шу жумладан судда, талаб қўйишга ҳақли, бироқ жавобгар суднинг ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар даъво муддатини қўллаш ҳақида арз қилиши керак.

Тармоқлардан узиб қўйиш кимнинг ваколатига қиради?

— Муайян ҳолларда газ ва электр энергиясидан қарзни реструктуризация қилиб, кейин бир неча йил давомида сўндириш ёхуд ҳисобдан чиқариш кўзда тутилганми? Ёхуд юридик шахслар ва тўловга қобил бўлмаган жисмоний шахсларга нисбатан жарима, пеняни ҳисобдан чиқаришнинг имкони бўладими?

— Айни пайтда Бюро бу масалани қўриб чиқмаяпти.

— Қарздорларни электр ва газ таъминоти тармоқларидан узиб қўйиш ёки уларга улаш, ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатиш, текширувдан ўтгандан кейин тармоқларга улашга ким ҳақли? Агар буни таъминотчиларнинг вакиллари мустақил амалга оширсалар, бу қонунбузарлик саналмайдими?

— Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 10.07.2017 йилдаги 484-сон қарорига 2-илова) мувофиқ, истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш ҳамда уларни қайта улаш Бюро томонидан (зарурат бўлганда — «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АҚ мутахассисларини жалб этган ҳолда) амалга оширилади. Истеъмолчиларнинг аризаларига биноан, авария ҳолатида уларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш, шунингдек Бюронинг мажбурий тақдимномалари бўйича етказиб берувчи томонидан алоҳида тоифадаги электр энергияси истеъмолчиларини кучланиши 6–10 кВ ва ундан юқори бўлган тармоқдан узиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно. Ушбу тартиб бузилганда Бюронинг 1107 ишонч телефони орқали мурожаат қилиш лозим.

Ҳисобга олиш ускуналарини энергия ресурслари таъминоти ходимлари Бюронинг туманлар ва шаҳарлар бўлимларидаги электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини назорат қилувчи давлат инспекторлари иштирокида ўрнатадилар. Бундан ташқари, электр ва газ ҳисоблагичларини таъминотчиларнинг вакиллари Бюро давлат инспекторлари билан биргаликда пломбалайдилар. Шунингдек этиш

лозимки, пломбалар ташки таъсирдан юқори даражада ҳимояланганлиги ва алоҳида белгиси билан фарқланади. Бюро давлат инспектори текширувдан ўтказилган ҳисоблагични ўрнатиш ва пломбалашда ҳам қатнашиши керак.

Таъминотчилар квартирама-квартира айланиб чиқишда ҳақ ундиришга ҳақли эмас

– Газ ва электр энергияси истеъмоли учун ҳақ тўлаш тартибиди ўзгартиришлар борми? Таъминотчиларнинг вакиллари энергия ресурслари учун ҳақни мустақил ундиришлари мумкинми?

– Тўлов тизимида муҳим ўзгартиришлар рўй бермади. Истеъмолчилар – жисмоний шахслар ҳар ойнинг 10-санасига қадар ўтган ойда истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт. Кўрсатилган муддат ўтгандан кейин қарздорлик мавжуд бўлганда улар белгиланган тартибда электр ва газ тақсимлаш тармоқларидан мажбурий узилади.

Электр ва газ таъминоти ташкилотлари офисларидаги кассалар, банклар бўлимларида ҳақ тўлаш, электрон ҳақ тўлаш тизими, сайёр кассалар, ҳақ тўланганлигини текшириш мақсадида квартирама-квартира айланиб чиқиш ҳоллари сақланиб қолди. Бюронинг туманлар ва шаҳарлар бўлимларида кассалар очилган.

Айни пайтда электр ва газ таъминоти ташкилотлари ходимлари фақат мутахассис сифатида Бюро ходимлари билан биргаликда квартирама-квартира айланиб чиқишлари мумкин. Бунда улар ҳақ ундириш ҳуқуқига эга эмас. Шунингдек этиш лозимки, Бюро инспекторларининг квартирама-квартира айланиб чиқиш йўли билан ҳақ ундириши фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоб терминаллари орқали, сайёр кассалар томонидан эса – исталган қўлай шаклда амалга оширилади.

ХУМШ ходимлари ҳам, башарти банкларнинг кассирлари этиб расмийлаштирилган бўлсалар, белгиланган намунадаги қвитанцияларни албатта расмийлаштирган ҳолда газ ва электр энергияси учун ҳақ ундиришга ҳақли бўладилар.

Далолатномани имзоламайсизми – буни асослан

– Квартирама-квартира айланиб чиқишда ёки сайёр кассага ҳақ тўлашда истеъмолчи қаршисида Бюро ходимлари турганига қандай қилиб ишонч ҳосил қилиши мумкин?

– Мансаб даражаси ва махсус тоифага эга Бюро ходимларида тегишли формали кийим-бош ва фарқловчи белгилар бўлади. Уларга хизмат гувоҳномалари ва жетонлар берилади.

– Истеъмолчи қарзи борлиги ҳусусида баҳслашмоқда ва судга мурожаат қилиш ниятида, дейлик. Иши судда кўрилаётганда у электр энергияси ва газ тармоғидан узиб қўйиладими?

– Истеъмолчи электр энергияси ва газ тармоғидан узиб қўйилган бўлса, Бюро қарорини бекор қилувчи суднинг ҳал

қилув қарори кучга киргунга қадар у электр ва газ таъминоти тармоқларидан узилганча қолдирилади.

– Истеъмолчи ҳақ тўламаганлиги учун уни энергия ресурсларидан узиб қўйишларига рози бўлмай, далолатномани имзолашдан бош тортаяпти. Бу масала қонун ҳужжатларида қандай тартибга солинган?

– ВМнинг 484-сон қарорига мувофиқ, Бюро инспектори истеъмолчи электр ва газ тармоқларидан узиб қўйилганда 2 нусхада далолатнома расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси истеъмолчига берилади. Истеъмолчи далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда далолатномага бу ҳақда тегишли ёзув киритилади. Бош тортиш икки нафар гувоҳ ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили томонидан тасдиқланиши лозим. Бунда истеъмолчи далолатномани унинг мазмуни бўйича тушунтириш ва эътирозларни, шунингдек имзолашдан бош тортиш сабабларини баён этиш ҳуқуқига эга.

– Квартирама-квартира айланиб чиқиш чоғида қарздорлар Бюро ходимларига эшик очмасликлари мумкин. Бундай ҳолларда улар қандай хатти-ҳаракат қилишга ҳақли бўладилар?

– Бюро вакиллари қарздорликни тўлаш ҳақидаги талабномани истеъмолчига, у ҳозир бўлмаганда эса – у билан битта квартирада (уйда) бирга яшовчи исталган вояга етган шахсга тилхат олиб топширадилар ёхуд хабарнома солинган бюуртма хат йўллайдилар. Қарздорнинг йўқлиги уни истеъмол қилинган энергия ресурслари учун қарздорликни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

ВМнинг 484-сон қарори талабларига биноан, Бюро кўрсатмалари ижро этилмаган, шу жумладан унинг вакиллари кўрсаткичларни қайд этиш учун электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарига қўйилмаган ҳолда истеъмолчи электр ва газ тармоқларидан узиб қўйилади.



Шартномаларни қайта расмийлаштириш мўлжалланмоқда

– Истеъмолчи Бюро ходимлари билан ихтилофга борганда қайси телефонлар орқали мурожаат қилиши мумкин?

– Бюрода 1107 ишонч телефони ишламоқда, истеъмолчи у орқали Бюро ходимининг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлари ҳақида хабар бериши мумкин.

– **Бюрога юклатилган энергия ресурслари соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлаш вазифалари вазият яхши томонга ўзгаргунча қўлланидиган вақтинчалик чора саналадими?**

– Бюро энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайитирилишини таъминлаш учун жавобгардир.

Хатто дебитор қарздорлиқни тубдан қисқартириш, электр ва газ таъминотидаги муаммоларни ҳал этиш вазифаларини бажарганидан кейин ҳам истеъмолчиларнинг тўлов интизоми назоратини таъминловчи органга эҳтиёж сақланиб қолади.

– **Электр энергияси ва табиий газ таъминоти учун таъминотчилар билан истеъмолчилар ўртасида янги шартномалар тузиш режалаштирилганми?**

– Президентнинг ПФ-5059-сон Фармони билан Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖга 3 ой муддатда кўчмас мулк эгалари ҳақидаги идоравий маълумотлар базаларини унификациялаштириш вазифаси топширилди. Шундан кейин тегишли идоралар 2 ой муддатда истеъмолчилар билан тузилган шартномаларнинг қайта расмийлаштирилишини таъминлашлари шарт.

– **Сухбатингиз учун раҳмат.**

Истеъмолчилар учун йўриқнома

Тармоқдан узиб қўймасликлари учун

1. Истеъмолчилар – jisмоний шахслар ҳар ойнинг 10-санагига қадар ўтган ойда истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт.

2. Бюро қарз мавжуд бўлганда истеъмолчиларни уни 5 кун муддатда тўлаш зарурлиги тўғрисида хабардор қилади.

3. Истеъмолчи хабардор қилинган пайтдан бошлаб 5 кун муддат ичида қарзни сўндирмаса, у электр ва газ тармоқларидан узиб қўйилади.

4. Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда истеъмолчи тармоқлардан дарҳол узиб қўйилади ҳамда қонун ҳужжатларидан белгиланган жавобгарликка тортилади.

Тармоқдан узиб қўйган бўлсалар

1. Истеъмолчилар электр ва газ тармоқларидан узиб қўйилганда 2 нусхада далолатнома расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси истеъмолчига берилади.

2. Истеъмолчи далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда унга бу ҳақда тегишли ёзув киритилади. Бош тортиш икки нафар гувоҳ ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили томонидан тасдиқланиши лозим. Бунда истеъмолчи далолатномада унинг мазмуни бўйича тушунтириш ва эътирозларни, шунингдек имзолашдан бош торттиш сабабларини баён этиш ҳуқуқига эга.

Ҳақини тўладим – мени тармоққа уланг!

1. Истеъмолчилар қуйидаги ҳолларда электр ва газ тармоқларига қайта уланади:

➤ электр энергияси ва табиий газдан фойдаланишда йўл қўйилган қоидабузарликлар бартараф этилганда;

➤ истеъмол қилинган энергия ресурслари учун қарзлар тўланганда;

➤ тармоқларга қайта улаш учун сумма тўланганда.

2. Бунинг учун истеъмолчи Бюронинг ҳудудий бўлинимасига мурожаат қилиши зарур.

3. Бюро ходимлари тармоқларга қайта улашни аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгандан кейинги кундан кечиктирмай амалга оширадilar.

4. Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги учун истеъмолчилар тармоқдан узилганда, уларни тармоққа қайта улаш Бюро ходимлари томонидан қоидаларни бузиш сабаблари бартараф этилганлиги нуктаи назаридан истеъмолчиларнинг бинолари кўздан кечирилгандан кейин амалга оширилади.

5. Қайта улаш якуни бўйича 2 нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси истеъмолчига берилади.

6. Тармоқлардан илгари узиб қўйилган шахсларни қайта улашда истеъмолчи – jisмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдоридан тўлов ундирилади.



7. Куйидаги ҳолларда тўлов ундирилмайди:

➤ авария ҳолатида истеъмолчилар етказиб берувчилар томонидан тармоқлардан узиб қўйилганда (Бюрони хабардор қилган ҳолда);

➤ истеъмолчи унинг аризасига (талабига) биноан энергия ресурсларини етказиб берувчилар томонидан тармоқлардан узиб қўйилганда;

➤ электр энергияси ва табиий газ истеъмоли назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимларида уланган истеъмолчилардан.

Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низоми
(ВМнинг 10.07.2017 йилдаги 484-сон қарорига 2-илова).



Интернетдаги муҳокамалар

Жазо қатори рағбатлантириш ҳам бўлсин

Истеъмол қилинган энергия ресурслари учун қарздорликни тўлаш масалалари ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинмоқда. Айримлар тўламайдиганларга нисбатан қўлланаётган қаттиқ чоралар юзасидан норозилик билдираяпти. Бошқалар шундай йўл тутиш зарур деб ҳисоблаётдилар: бировнинг ҳисобига яшашга барҳам бериш пайти келди, газ ва электр энергияси ҳақини тўлаш мажбурияти ҳамма учун бир хил белгиланган. Форумларда аксарият ҳолларда ифода этиладиган ҳис-ҳаяжонли гаплардан ташқари тўловларни ундиришнинг белгиланган механизмини қандай қилиб яхшилаш, юмшатиш, тақомиллаштириш юзасидан ўринли таклифлар ҳам учраб туради. Уларнинг баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Қизиқ, прокуратура иш берувчини ходимларига иш ҳақини вақтида тўлашга мажбур қила оладими, шунда улар энергия ресурслари учун ҳақини вақтида ҳар ойнинг 10-санасигача тўлай олган бўлардилар? Зеро коммунал хизматлар ҳақини тўлаш иш ҳақининг вақтида тўланишига бевосита боғлиқ. Одамлар 2–3 ойлаб маош олмасалар, уни қандай тўласинлар? Газ ва электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун тармоқлардан узиб қўядилар. Қайтадан улаш учун ЭКИХнинг 2 баравари миқдориде жарима белгиланган. Эҳтимол, бу ҳолда иш берувчи ўз айбига қўра азият чеккан ходимнинг шунча миқдордаги жаримасини қоплаб бериши шартдир?».

«Энди бюджетга тушулларни оширишни кўзлаб ҳар қандай ваз билан электр ва газни узиб қўйверадиларми? Жазони қўллаш механизми белгиланди. Рағбатлантириш ҳам бўладими? 3–5 йил давомида қарзи бўлмаган шахсларга мукофот тариқасида килловат, кубометр ёки қандайдир бошқа рағбатлантирувчи бонуслар беришнинг илоҳи йўқми? Зеро бу истеъмол қилинган энергия ресурслари ҳақини ўз вақтида тўлаш учун яхши туртки бўлиши мумкин».

«Квартирада электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига (ЭИХНАТ) уланган электрон ҳисоблагич ўрнатилган бўлса, унинг истеъмоли учун ҳар ойда, бунинг устига 10-санагача ҳақ тўлашдан нима маъно? Ҳисоблагичлар ЭИХНАТга уланган жойларда истеъмолчиларнинг электр энергияси учун қарзи деярли йўқ. Зеро аризмаган қарз учун ҳам тизим электр энергиясидан узиб қўяди, уни улаб беришлари учун ҳақ тўлашга шошиламиз. Коммунал маҳсулотларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимларида уланган электрон ҳисоблагичлар ҳаммага ўрнатилса, қарздорлик масаласи ўз-ўзидан ҳал бўлади».



«Таъминотчилар истеъмолчи ҳар ойнинг 10-санасигача ҳузурига келиб, истеъмол қилинган ва ҳақи тўланган энергия ресурсларини солиштиришни талаб қиладилар. Агар қарзим бўлмаса, олдидан ҳақ тўлаб қўйган бўлсам ёки бир-икки ойга дам олишга кетган бўлсам-чи – келиб, чироқ ва газни узиб кетадиларми?».

«Қарздорлар билан курашиш керак, албатта. Бироқ қайта уланганлик учун, айниқса, кечикиб маош оладиган вилоятларда ЭКИХнинг 2 баравари миқдориде ҳақ ундириш ҳаддан ошиш деб ўйлайман».

«Бош прокуратура ҳузурида энди Аҳолига иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши ва пластик карталаридан нақд пул маблағлари берилишини назорат қилиш бюросини ташкил этиш керак».

«Менга электр энергияси учун қарзим ҳақида мунтазам СМС хабарлари келади. Таъминотчиларнинг изоҳига қўра, ўрта ҳисобдаги фуқарога қараганда уни камроқ сарфлар экан».

Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

ман. Мен кун бўйи ишдаман, уйга кеч қайтаман. Тизим менда қарз бор деб «уйласа» керак. Аслида ҳисоблагични туман ЭТТ ходимлари текшириб турадилар. Бундай тушунмовчиликка эътибор бермоқчи эмасдим, аммо мени электрдан узиб қўядиган бўлишди. Айтишларича, шунча ҳажми истеъмол қилаётганимни исботлашим керак эмиш. Ахир нега исботлашим керак экан, ахир ҳисоблагич ўрнатилганку. Таъминотчида шубҳа юзга келса, буни ўзи асосласин».

«Шубҳасиз, ашаддий тўламайдиганлар билан мурасасиз курашиш лозим, бироқ ҳаммага бир хил усулда ёндашиш керак эмас. Фикримча, энергия ресурслари учун қарз ундиришининг белгиланган механизмида бир қатор жиҳатлар инобатга олинмаган, у бироқ тузатиш киритишни талаб қилади. Хусусан, виртуал тармоқлардан фойдаланувчиларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда қуйидагиларни тақлиф этмоқчиман:

- истеъмолчининг энергия ресурслари ҳақини тўлаш учун жавобгарлиги сингари иш берувчига ҳам иш ҳақини ўз вақтида тўламаганлиги учун қаттиқ жавобгарлик белгилансин;
- энергия ресурслари истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган, счётада маблағ қолмаганда улардан узиб қўядиган электрон ҳисоблагичларга эга бўлган мажбурламаслик;
- энергия ресурслари учун олдиндан ҳақ тўламоқчи бўлган абонентларга тўқинлик қилмаслик, уларни ҳар ойнинг 10-санасигача ҳақ тўлашга мажбурламаслик;
- коммунал маҳсулотларни ҳисобга олувчи электрон базаларни тартибга келтириш ва текширувчиларнинг мунтазам таширф буюришига барҳам бериш;
- назорат органлари вакиллари албатта кўкрак белгиси тақилган форма кийган, шахсий рақам ва гувоҳномага эга бўлсинлар».



Тахририят почтасидан

Текширувдан ўтказмадингизми — газни узиб қўядилар



2017 йил 24 апрелда газчилар мени олдиндан хабардор қилмасдан, йўқлигимда келиб, уйдаги газни узиб кетишди. Буни 1 млн 607 минг сўм миқдориди қарзим борлиги билан изоҳлашди. У қарвдан пайдо бўлган — ахир газ ҳақини ҳисоблагич бўйича вақтида тўлаб келаман.

Гап нимадалигини аниқлаш учун Олмасор туман газ идорасига бордим. Маълум бўлишича, газ ҳисоблагичини ўз вақтида текширувдан ўтказмаганим сабабли газчилар 2010 йил ноябрдан буён ҳисобга олиш приборига қараб эмас, балки норматив бўйича ҳисоблаётган эканлар.

Кейинроқ билишимча, Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, таъминотчи газни ҳисобга олиш приборини даврий текширувдан ўтказишнинг амал қилиш муддати тугашидан 30 кун олдин истеъмолчини уни даврий текширувдан ўтказиш зарурилиги ҳақида ёзма равишда огоҳлантириши шарт экан. У ариза берилгандан сўнг, 5 иш куни ичида газни ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказиш учун истеъмолчи иштирокида ечиб олинар экан.

Бироқ ҳеч қандай огоҳлантириш олмаганман, ҳисоблагичимни ҳеч ким ечиб олмаган. Шу йиллар давомида истеъмол қилинган газ ҳақини ҳисоблагич бўйича тўлаб келганман, ҳеч ким қарзим борлиги ҳақида маълум қилмаган. Энди туманга мен газни тежаб сарфлашим ва нормативлар бўйича ҳисоблаганларидек истеъмол қилмаслигим боис асоссиз деб санаётган ҳисобланмаларни тўлашимни талаб қилаёпми.

Бундай вазиятда қандай йўл туттишим мумкин?

Ш.Бурнаев.

— Газ ҳисоблагичини 4 йилда 1 марта давлат текширувидан ўтказиш мажбурияти бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан «Метрология тўғрисида»ги Қонун билан белгиланган. Чакана истеъмолчига табиий газ етказиб бериш шартномасида белгиланган тартибда (4 йилда 1 марта) давлат текширувидан ўтмаганда етказиб берилган газ учун ҳисоб-китоб норматив бўйича амалга оширилиши ҳақида шарт мавжуд (Шартноманинг 4.3-банди). Бу жиҳатдан таъминотчи сизнинг ҳуқуқларингизни бузмаган. Истеъмолчи ўз вақтида

текширувдан ўтказиш кераклигини унутганлиги ёки билмаганлиги уни мажбуриятни бажаришдан озод қилмайди.

Таъминотчи истеъмолчини текширувдан ўтказиш муддати яқинлашаётганлиги ҳақида ёзма равишда огоҳлантирмай, Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни (АВ томонидан 30.07.2014 йилда 2604-сон билан рўйхатдан ўтказилган) бузган. Агар бу вазиятда ҳуқуқларингиз бузилган деб ҳисобласангиз, судга мурожаат қилишга ҳақлисиз.



Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.



Давлат ва корпоратив харидлари: амалга оширишнинг янги регламенти

мувофиқлиги учун жинойи жавобгарликка тортишгача қадар шахсий жавобгар ҳисобланади (ПҚ-3237-сон қарорнинг 3-банди 6-хатбошиси). Шунинг ҳам ёдда тутиш лозимки, илгари фойдаланилган, жисман ишлатиб бўлинган, маънавий эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускунани ёхуд технологияларни

олиб киришга, шунингдек уларни ўрнатиш ва жорий этишга олиб келган битимни тузиш, республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битим тузилганлиги учун жинойи жавобгарликка тортишга сабаб бўлади (ЖКнинг 175-моддаси).

Илгари қандай эди	Ҳозир (1.01.2018 йилгача) қандай
Эҳтимолий етказиб берувчиларнинг энг мақбул таклифларини танлаб олиш орқали харидлар амалга оширилади, агар:	
улар бўйича кафолатловчи етказиб берувчиларнинг буюртмалари йўқ бўлган узайтирилган савдолар бўлиб ўтмаган деб эълон қилинган тақдирда ² ёки харид объекти энг зарур товарлар (ишлар, хизматлар)га қирмайдиган ва 1 шартнома бўйича қиймати эквивалентда 300 АҚШ долларидан кўп, бироқ 100 000 АҚШ долларидан кам бўлса ³	харид объектининг умумий қиймати 1 шартнома бўйича эквивалентда 1 000 АҚШ долларидан 100 000 АҚШ долларигача бўлса (100 000 АҚШ долларини ҳам қиради). Изоҳга ҳам қаранг*

Битта харид объектига алоқадор шартномалар бўйича давлат хариди умумий қиймати жами 100 000 доллардан ошса, улар эҳтимолий етказиб берувчиларнинг энг мақбул таклифларини танлаб олиш орқали амалга оширилиши мумкинми?

– Харид қилувчи ташкилот тендер (танлов) савдоларини ўтказмай битимни амалга ошириш учун харид объектларининг жами қийматидан эмас, балки унинг 1 шартнома бўйича қийматидан келиб чиқиши керак (ПҚ-3237-сон қарорнинг 3-банди

4-хатбошиси). Бироқ тендерсиз аниқ етказиб берувчи билан битим тузиш ниятида уни атайин қисмларга бўлиш аломатлари аниқланса, айбдор мансабдор шахслар жинойи жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Эҳтимолий етказиб берувчиларнинг энг мақбул таклифларини танлаб олиш учун қанча таклифга эга бўлиш керак?

– Амалдаги қонун ҳужжатларида давлат харидларини амалга оширишда етказиб берувчиларнинг таклифлари энг кам сонига муайян талаблар қўйилмаган. Фикримизча, мазкур мезон харид қилувчи ташкилотнинг локал

ҳужжатларида (масалан, харидлар тўғрисидаги низомда) белгиланган бўлиши лозим. Бизнингча, етказиб берувчилар таклифлари ўртасида рақобатни таъминлаш учун улар камида учта бўлиши шарт.

Илгари қандай эди	Ҳозир (1.01.2018 йилгача) қандай
Электрон савдоларни ўтказиш орқали харидлар амалга оширилади, агар:	
1 шартнома бўйича харид объектининг умумий қиймати эквивалентда: 300 ёки ундан ортиқ АҚШ долларини ташкил этса, бироқ 100 000 АҚШ долларидан кам бўлса ҳамда харид қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) Ҳукумат комиссияси рўйхатида назарда тутилган энг зарур товарлар (ишлар, хизматлар) ҳисобланса; 300 АҚШ долларидан ошмаса – харид қилаётган ташкилот ташаббусига кўра харидлар электрон савдоларни ўтказиш орқали амалга оширилиши мумкин⁴	Талаблар белгиланмаган ⁵

1 шартнома бўйича қиймати 100 000 доллардан кам бўлган давлат харидларини электрон савдоларни ўтказиш орқали амалга ошириш мумкинми?

– Кўрсатилган битимларни биржа савдолари орқали амалга ошириш талаби бекор қилинганига қарамай, харид қилувчи ташкилот биржа битимини тузиш ҳуқуқини амалга оширишга ҳақли деб ўйлаймиз. Бироқ бу ҳолда ер, ер ости бойликлари, сув, бошқа табиий ресурслар, маданий мерос ва интеллектуал мулк объектлари, ишлар ва хизматлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролик муомаласидан чиқарилган мол-мулк харид объекти

бўлиши мумкин эмас («Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси).

Бир қатор ҳолларда моддий-техника ресурсларининг стратегик турларини (ёқилги мазути, кўмир, минерал ўғитлар ва ҳ.к.), шунингдек республика истеъмолчилари ўртасида лимитларни тақсимлаш тугатилмаган маҳсулотлар турларини (ун, мис маҳсулотлари, рух ва ҳ.к.) сотиб олишда биржа орқали сотиб олиш мажбурий ҳисобланади (ВМнинг 5.02.2004 йилдаги 57-сон қарори).

Илгари қандай эди	Ҳозир (1.01.2018 йилгача) қандай
Тендер (танлов) савдоларини ўтказиш орқали харидлар амалга оширилади, агар:	
амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасидаги харидлар юзасидан – агар 1 шартнома бўйича харид объектининг умумий қиймати эквивалентда: 5 000 000 АҚШ долларидан кам бўлса. Бу ҳолда тендер савдоларини харид қилувчи ташкилот (яъни харид қилувчи ташкилот тузадиган комиссия) уюштилади; 5 000 000 АҚШ долларига тенг ёки ундан ортиқ бўлса. Бундай харидлар бўйича тендер савдолари идораларо тендер комиссиялари томонидан уюштирилади.	1 шартнома бўйича харид объектининг умумий қиймати эквивалентда 100 000 АҚШ долларидан ортиқни ташкил этади. Бунда: - савдолар ташкилотчилари – идораларо комиссиялар Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЎЗИнжиниринг» Республика лойиҳа институти, харид қилувчи ташкилотнинг тармоқ илмий-техник кенгашлари вакиллари мажбурий жалб этган ҳолда тузилиши назарда тутилган⁶. Харид қилувчи ташкилот раҳбари ёки бошқа ваколатли шахси комиссия ташкил этиш тўғрисида буйруқ чиқариши керак; - мазкур харидлар бўйича техник шартлар Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган бўлиши шарт

Қиймати 100 000 доллардан ортиқ бўлган, Ўзбекистон Республикаси кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган харидларга нисбатан қандай тартибни қўллаш лозим?

– Марказлаштирилган манбалар маблағлари ҳисобига, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган харидларга нисбатан Президентнинг ПҚ-3237-сон қарорига зид бўлмаган қисмида Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги низом (ВМнинг 21.11.2000 йилдаги 456-сон қарори билан тасдиқланган) талабларини қўллашга маъқул деган фикрдамыз. Чунончи:

– (*изоҳ) 100 000 долларга тенг қийматдаги харидларни амалга оширишда юқоридаги 456-сон Низом талабларини қўллаш – яъни мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўз кучини йўқотган деб топилгунча ёки жорий шароитда уни қўллаш ёқалари расман изоҳлангунча харид қилувчи ташкилот мустақил ташкил этадиган тендер (танлов) савдоларини ўтказиш тавсия этилади.

Бундай тавсия беришда 456-сон Низом Президентнинг ПҚ-3237-сон қарорига нисбатан янада специфик соҳа: харидлар, шу жумладан марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган давлат ва корпоратив харидларни тартибга солишига асосланамиз;

– умумий қиймати 100 000 доллардан ортиқ бўлган марказлаштирилган манбалар ҳисобига харидлар бўйича савдоларни ташкил этишда Президентнинг ПҚ-3237-сон қарори 3-банди 5-хатбошиси талабларига риоя этиш зарур. Ушбу қарор билан тартибга солинмаган қисмда, уни амалга оширишга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингунча ёки ҳозир амалда бўлган қонун ҳужжатлари унга мувофиқлаштирилгунча, шу жумладан савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш босқичлари, тендер ҳужжатларига қўйилмаган асосий шартлар масалаларида 456-сон Низомга риоя этиш мақсадга мувофиқдир.

Екатерина Адева,

«Baker Tilly Uzbekistan» аудиторлик-консалтинг компаниялари гуруҳининг юридик амалиёт раҳбари.

²Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржасида электрон харидларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 11.06.2013 йилдаги 166-сон қарорига 2-ловча) 38-банди 5-хатбошиси.

³Президентнинг ПҚ-1948-сон қарори 1-банди маъносидан келиб чиққан ҳолда.

⁴166-сон Низомнинг 5-банди 1-хатбошиси.

⁵Президентнинг ПҚ-3237-сон қарори 2-банди 4-хатбошиси.

⁶Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 21.11.2000 йилдаги 456-сон қарори билан тасдиқланган) 9-банди.

⁷Бундай кенгашлар харид қилувчи ташкилотда ташкил этилиши ва фаолият юртиши кераклиги назарда тутилмоқда.

Таътилни кузда олмоқчиман...

Мен 2016 йилда олий ўқув юртини тамомлаб, ноябрь ойида давлат таътилида иш бошладим. 2017 йил июль ойида бошқа бир давлат таътилига ишга кирдим. Менга ҳозирги иш жойимга кирган вақтдан бошлаб ҳисоблаганда 1 йилдан сўнг меҳнат таътилини беришадими ёки дастлабки иш жойимга кирганимданми?

Абдулазиз Атаханов.



— Биринчи иш жойингизда сиз билан ҳисоб-китоб қилишда фойдаланилмаган таътил кунлари учун пуллик компенсация (15 календарь кун ёки ундан кўп ишлаган бўлсангиз) ҳамда бўшах кунингизга тегишли иш ҳақи (МКнинг 151 ва 110-моддалари асосида) тўланиши шарт.

Иккинчи иш жойингиз бўйича, агар ишлаётган бўлсангиз, 2018 йилнинг февраль ойида (иш берувчини розилиги билан — ундан олдинроқ ҳам) таътилни олишингиз мумкин. Таътил кунлари учун тўлиқ иш кунлари олишингиз мумкин ва бунинг учун ҳақ тўланиши шарт.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган (МКнинг 143-моддаси) умумий қоидаларга кўра, ҳар бир ходимнинг меҳнат таътилидан фойдаланиш ҳуқуқи қуйдагича юзага келади:

Биринчи иш йили учун — ишга кирган кундан бошлаб 6 ой ўтгандан кейин;

иккинчи, учинчи ва кейинги иш йиллари учун — ҳар бир кейинги иш йилида таътиллار жадвалида белгиланган муддатда.

Агар таътилдан фойдаланиш ҳуқуқи бошланмаган бўлса, ходим меҳнат таътили беришни талаб қилишга ҳақи эмас.

Лекин, иш берувчининг ўзи хоҳласа, қонун ҳужжатлари ходимга унинг меҳнат таътилидан фойдаланиш ҳуқуқи кучга киргунга қадар меҳнат таътили берилишига йўл қўяди. Хусусан, МКнинг 143-моддасига мувофиқ, иш берувчи, агар қуйи-

даги ходимлар унга шундай илтимос билан мурожаат қилишса, ҳар қандай вақтда, жумладан, иш бошланган кундан бошлаб 6 ой ўтгунга қадар уларнинг йиллик таътил бериш ҳақидаги илтимосларини қондиришга мажбурдир.

ҳомилдорлик ва туғиш таътили бошлангунга қадар ёки бевосита у тугагандан кейин аёлларнинг;

I ва II гуруҳ ногиронларининг; ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг;

муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатиш ва ишга жойлашган шахсларнинг.

Иш берувчи, шунингдек, қуйидаги ходимларга иш бошланган кундан бошлаб 6 ой ўтмасдан таътил бериши шарт:

ўриндошлик асосида ишлаётганларга — асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида ўқиётган ходимларга, агар улар ўзларининг таътиллари имтиҳонлар, синовлар (заъётлар) топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғри-лаб олишни хоҳласалар;

олдинги иш бўйича улар билан меҳнат шартномаси МКнинг 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига биноан бекор қилинган ходимлар ишга кирганда;

ўқув юртларининг ўқитувчилар таркибига, агар уларнинг биринчи иш йили учун меҳнат таътили ёзги таътил даврига тўғри келса.

Абдусалом Рискўллаев, «Norma Online» эксперти.

ТЕКШИРИШЛАР РЕЖА-ЖАДВАЛИ — ОНЛАЙНДА

Ҳурматли ўқувчилар!

Текширишлар тўғрисидаги ахборотни тахририятимиз босма тарзда чоп этмаётганини эслатиб ўтадим. Текширишлар режа-жадвалини газеталаримизда жойлаштиришдан воз кечар эканмиз, бу саҳифалар майдонини бошқа долзарб материалларга бағишлашга қарор қилдик.

Лекин сиз norma.uz сайтимидаги қилиб, Назорат қилувчи органлар реестри ва 2017 йилда фаолияти текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхати билан танишиш имкониятига ҳали ҳам эгасиз. 2017 йил учун тадбиркорлик субъектларини текширишлар режа-жадвали ДСҚнинг soliq.uz расмий сайтида ҳам эркин фойдаланиш тарзида жойлаштирилган.

Бироқ қонунчиликка мувофиқ, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашига Текширувларнинг режа-жадвалига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилганлигини унутмаслик керак. Шунинг учун norma.uz сайтига ҳар ойда кўз ташлаб туришни тавсия этамиз.

Тахририят.



1. Синов муддатини ўтаётган ходимга ойлик иш ҳақи қанча миқдорда белгиланади?

2. Ходим синов муддатини ўтай олмаса, ишдан бўшатилаётганда унга компенсация пули тўланадими? Синов муддатидан ўтолмагани сабабидан ишдан бўшатилаётган ходимнинг меҳнат дафтарчасига қандай ёзув киритилади?

Ирода Қосимова,
бош бухгалтер.

Синовдан ўтолмади. Компенсация олиб кетди

1 Аввало шуни билиш лозимки, дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас. Дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади (МКнинг 85–86-моддалари). Демак, синов муддати даврида ходимга белгиланган меҳнат нормаси ва меҳнат вазифалари тўлиқ бажарилганда унинг меҳнат ҳақи штат жадвалида тегишли лавозим бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

2 Меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқуқи эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади ва буйруқ билан расмийлаштирилади (МКнинг 107-моддаси 1-қисми).

Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни 3 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин. Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантириш муддатини қисқартиришга фақат шартнома тарафларининг келишуви билан йўл қўйилади (МК 87-моддасининг 1–2-қисмлари).

Иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари МКнинг 87-моддаси таърифида тўла мувофиқ ҳолда ёзилиб, ушбу модда далил қилиб кўрсатилади.

Меҳнат шартномаси синов натижаси қониқарсиз бўлганлиги муносабати билан бекор қилинганди ходимга тегишли иш ҳақи (МКнинг 110-моддаси) ва фойдаланилмаган таътиллار учун пуллик компенсация (15 кун ёки ундан кўпроқ ишланганда) тўланади (МКнинг 141, 151-моддалари).

Ходимнинг меҳнат дафтарчасига «Меҳнат шартномаси бекор қилинди» деган ёзув киритилади, лекин унинг асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди (МКнинг 81-моддаси).

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Таътиллари учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02. *Хизматлар лицензияланган.*

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАХИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нотири — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилган ва шрифтанган.
Нашр юрости: 196. Ҳафтада — А3. Ҳафта — 2 босма таъки, баъзи келишилган нотирида.
Буюртма 1167. Адади 1 070. Газета 2017 йил 2 октябрь соат 18.30 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
отказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«НОРМА» АҚТ бўйича — 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муражаат қилиш мумкин.